

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**374** Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-  
овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга их-  
тисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёз-  
ларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ–2687-сон «2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 апрель,  
15-сон

**Б. ХОДЖАЕВ**

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 апрель,  
125-сон

**Г. САИДОВА**

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

**Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 апрель,  
2017/10-3-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 апрель,  
2017-09-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 апрель,  
01-02/8-8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси,  
Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил  
14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09 ва  
01-02/8-8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат  
истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган  
корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини  
қўллаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ–2687-сон «2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ–2687-сон «2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур Низомнинг 1-илоvasида назарда тутилган тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар жумласига ҳисобот даври якунлари бўйича умумий сотиш ҳажмида шундай товарларни ишлаб чиқаришдан тушган тушумлар улуши камида 60 фоизни ташкил этадиган корхоналар киради.

Ушбу корхоналарга қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилади:

а) қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;

мол-мулк солиғи;

микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхатларга мувофиқ, комиссия шартномалари асосида импорт қилинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилиш;

б) ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини тўлашни (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга кечиктириш. Кечиктириб тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинадиган хом ашё ва материаллар рўйхатига киритилмаган хом ашё, материаллар ва фурнитураларга берилади.

2. Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) асосан бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган солиқ ва божхона имтиёзлари берилганда бюджетга тўланadиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қиймати-га ҳисоблаб ёзилмайди ва киритилмайди.

Корхоналарга тақдим этилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, уларни тақдим этиш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тартиби юқорида қайд этилган Низом билан тартибга солинади.

**2-боб. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш**

3. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар олиб кирилаётган товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида ўтказиш божхона расмийлаштируви пайтида тақдим этилади.

4. Мазкур Низом 1-бандининг «б» кичик бандидаги божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат олиш учун корхоналар томонидан божхона органларига Божхона кодексининг 330-моддасига асосан ҳужжатлар тақдим этилади.

5. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ҳақиқатда ихтисослашганлигини тасдиқлаш учун имтиёзлардан фойдаланган корхоналар йил якунлари бўйича солиқ ҳисоботи билан бирга давлат солиқ хизмати органларига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома ҳисоб-китобни тақдим этади.

6. Агар ҳисобот йили якунлари бўйича корхона тақдим этилган маълумотнома ҳисоб-китобга асосан имтиёз бериш учун белгиланган мезонларга мос келмаса (тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳисобланмаганда) солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, уларни ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда, бюджетга тўланиши бўйича мажбуриятлар тикланиб бекор қилинади.

Корхоналар имтиёзлардан фойдаланиш учун белгиланган мезонларга мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида аниқланган фактлар тўғрисида ўрнатилган тартибда аввал тўланмаган божхона тўловларини ундириш чораларини кўриш учун давлат божхона хизмати органларини хабардор қилади.

**3-боб. Якуний қоидалар**

7. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

8. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9. Мазкур Низом «Ўзбекенгилсаноат» АЖ билан келишилган.

*«Ўзбекенгилсаноат»  
АЖ бошқаруви раиси*

*И. ХАЙДАРОВ*

*2017 йил 14 апрель*

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда солиқ ва божхона имтиёзлари бериладиган товар гуруҳларининг РЎЙХАТИ**

<b>Товар гуруҳи</b>	<b>Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи</b>
<b>I. Тайёр ип-газлама матолар (чит ва сатиндан ташқари)</b>	Астарбоп мато
	Тик матоси
	Кўйлакбоп, шу жумладан, аралашма толадан
	Кўйлакбоп мато (аёллар)
	Фланель, бумазея (Паҳмоқ, бумазей)
	Жинси матоси
	Сочиқбоп газлама (вафел)
	Сочиқбоп газлама (паҳмоқли)
	Диагонал газламаси
	Габардин
	Поплин
Миткаль	
<b>II. Тайёр аралашма матолар</b>	Аралашмали газламаларнинг барча турлари
<b>III. Тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар</b>	Креп шифон газламаси
	Креп жоржет газламаси
	Крепдешин
	Альпак
	Пардабоп
	Астарбоп
	Бахмал
<b>IV. Тайёр тикувчилик буюмлари, тайёр кийимлар (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлари)</b>	Ёстиқлар
	Матрацлар
	Адёллар
	Чойшаб
	Кўрпа-тўшак комплектлари (чойшаблар, кўрпажилдлар, ёстиқ жилдлари)
	Сочиқлар
	Турли хил ғилофлар
	Пардалар
	Дарпардалар
	Партерлар
Дастурхонлар	

Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
	Салфеткалар
	Тентлар
	Турли хил чодирлар
	Ухлаш учун қоғозлар
	Пледлар
	Конвертлар
	Аёллар кўйлаги
	Пиджаклар
	Халатлар
	Блузкалар ва кофталар
	Юбкалар
	Плашлар
	Костюмлар
	Эркаклар кўйлаги
	Курткалар
	Шимлар
	Пальто ва яримпальто
	Миллий кийимлар
	Тунги кўйлақлар
	Ишчи ва махсус кийим
	Ветровкалар
	Чақалоқлар учун кийим
	Мактаб формаси
	Турли хил фартуклар
	Рўмоллар
	Шорти
	Трусик
	Спорт костюмлари, шими ва трикоси
	Турли хил қўлқоплар
	Болонкалар
	Бушлатлар
	Кителлар
	Хомиладорлар учун кийим
	Жилетлар
	Жакетлар
	Сарафанлар
	Пижама
	Ички кийим (кальсон ва рубаха)
	Болеро
	Капри
	Туника
	Сюртук
	Шорти юбка

Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
	Пелерина
	Султанкалар
	Бриджи
	Капюшонли ва капюшонсиз жемперлар
	Майкалар
	Комбинезонлар ва ярим комбинезонлар
	Фуфайкалар
	Футболкалар
	Бодалар
	Ползункалар
	Водолазкалар
	Свитерлар
	Пуловерлар
	Панталонлар
	Рейтузалар
	Трикотаж тўқилган қўлқоплар
	Чанғичилар костюми
	Варежка ва қалпоқлар
	«Поло» эркаклар кўйлаги
	«Поло» аёллар кўйлаги
	Пеньюарлар
	Комбинациялар
	Чўмилиш костюмлари
Плавкалар	
Легенслар	
<b>V. Бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари)</b>	Шляпалар, береталар, қалпоқлар, кепкалар, телпақлар
<b>VI. Пайпоқ буюмлари</b>	Колготкалар
	Болалар ва аёллар узун пайпоқлари
	Пайпоқлар
	Гольфилар
	Гетра
<b>VII. Тўқимачилик атторлик буюмлари</b>	Турли бош кийимлар (рўмоллар)
	Шарфлар
	Дастрўмоллар
	Бўйинбоғлар
	Корсет маҳсулотлари
	Ошхона матолари (дастурхонлар, салфеткалар)
	Учбурчак рўмоллар
	Дорожкалар
	Ёпинчиқлар
	Чойшаб

Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
	Дарпардалар
	Гиламчалар
	Матодан ишланган абажурлар
	Сумкалар
	Гамаклар ва сеткалар
	Қўлда тўқиш учун ип-калава
	Тикув иплар
<b>VIII. Тикув-трикотаж саноати учун фурнитура ва аксессуарлар</b>	Тўқима ёзувли тўқима ёрликлар
	Босма ёзувли тўқима ёрликлар
	Картон ёки қоғоздан тайёрланган босма ёрликлар ва этикеткалар
	Картон ёки қоғоздан тайёрланган босма ёрликлар ва этикеткалар (ёпишқоқ)
	Шеврон
	Колечкалар
	Блочкалар
	Хальнитенлар
	Карабинлар
	Велкро лентаси
	Мунчоқларлар
	Ялтироқ фурнитуралар
	Тугмачалар
	Замоклар
	Занжирсимон ёпқичлар
	Застежкалар
	Тўқалар
	Тўғноғичлар ва безаклар
	Кнопкалар
	Илмоқлар
	Ленталар
	Резина шнурлар
	Боғичлар
	Арқонлар
	Канат арқонлар
	Шпагат
	Зонтлар учун ғилофлар
	Манжетлар
	Ёқалар
	Метрли ленталар, резинали продержка, ҳар хил тесма, бахрама-попуклар
	Тюль-гардин анжомлари, кружева (безак тўрлар)
Текстиль шнурлари	



Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида  
ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб  
чиқаришга ихтисослашган корхоналар  
томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини  
қўллаш тартиби тўғрисида низомга  
2 ИЛОВА

Йиллик молиявий ҳисобот билан  
бирга тақдим этилади

\_\_\_\_\_ га тақдим этилади.  
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

\_\_\_\_\_ (корхонанинг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ манзил бўйича жойлашган

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ИФУТ
5. Телефон: код  рақам

\_\_\_\_\_ йил учун  
тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат  
истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА — ҲИСОБ-КИТОБ**

Имтиёзни қўллаш учун асос

\_\_\_\_\_ (норматив ҳужжатнинг номи)

минг сўм

Маҳсулот тури	Сумма	Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида % ҳисобида
Ишлаб чиқариш ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз ҳақиқатдаги нархларда), жами		
шу жумладан		
улардан имтиёз тақдим этилган маҳсулот		

**20 (780)-сон**

**— 181 —**

**374-375-моддалар**

**Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги  
ва тўлиқлигини тасдиқлайман**

Раҳбар

СТИР

Ф.И.О.

Имзо

Бош бухгалтер

СТИР

Ф.И.О.

Имзо

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

---

---

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

---

---

Сана (кк/оо/йй)

--	--

--	--

--	--	--	--

*М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)*